

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 27 апрель  
сешанба  
№ 17 (1273)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

## "Tashkent Law Spring"да Ўзбекистон Республикаси адлия вазири БЕШТА МАСАЛАГА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ

**Биринчи масала** — қонунчиликни ихчамлаштириш ва ортиқча юкни камайтириш, айниқса, бизнесга нисбатан бюрократияни ва коррупцияга етакловчи нормаларни камайтириш.

"Қонунчиликни рақамлаштириш, мана шу жараён энг муҳим ва мурраккабдир, чунки ривожланаётган технологиялардан қандай фойдаланиш керак, бор тартиб ва қоидаларга путур етказиб, тескари натижалар олиб келмайдими, деган саволлар

устида ўйлашимиз керак.

Биз бир йил олдин қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини электрон ишлаб чиқиш ва келишиш тизимини киритдик, бу жуда қўл келди. Ҳозиргача 1000 та ҳужжат бу тизим орқали ўтди, биринчи марта эса идоравий ҳужжатни тўлиқ электрон шаклда қабул қилдик".

**Иккинчи масала** — қонун ижодкорлигида манфаатдор томонларнинг кенг иштирок этиши.

"Айрим вазирлик ва идоралар тор доирадаги манфаатларни илгари суриш учун ҳам жамоатчилик муҳомаасидан фойдаланмасликка ҳаракат қилади, чунки, салбий танқид остида қолишини билади, мана шунинг учун ҳам бу механизм жуда катта аҳамиятлидир.

Ёки бўлмаса, бир гуруҳ шахслар томонидан алоҳида саволларни кичкина муаммони маълум бир йўл билан ҳал қилишда кўпчилик қизиқиш

билдираётгандек кўрсатиш орқали ёлгон таассурот уйғотиши, яъни жамоатчилик фикрини манипуляция қилиши мумкин. Бу ҳам мавжуд хавф-хатардир, биз барча суиистеъмолчиликларга тайёр туришимиз керак ва юридик ҳамжамият қонун ижодкорлиги соҳасида жамоатчилик билан ўзаро алоқада мақбул ечимни топиши лозим".

2-БЕТ





## “Tashkent Law Spring”да Ўзбекистон Республикаси адлия вазири БЕШТА МАСАЛАГА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

**Учинчи масала** — давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва очиклигини таъминлаш. “Амалиёт шунинг кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг энг қулай шакли мобил иловалардир. Мазкур соҳада кўринмас давлат концепциясининг улкан салоҳияти мавжуд, бунда давлат билан боғлиқ ҳар қандай масалани on-line режимда ҳал қилиш мумкин. Бу борадаги кенг қўламли

чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги даражасини ошириш ҳамда фуқароларнинг давлат бошқаруви сифати билан қониқшини таъминлайдиган замонавий рақамли технологияларни жорий этиш зарур. Ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан **“Очик ва Ҳисобдор Хукумат”** лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Хукуматга киритилди.

**Тўртинчи масала** —

қонунчилик ижроси.

“Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъулият доираси сезиларли даражада кенгайди. Яқинда бизга ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш билан бир қаторда, Президент ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бўйича қўшимча вазифа юкланди. Бундай яхлит ёндашув қонун ижодкорлиги сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ҳуқуқий

экспертиза жараёнида биз келажакда қонунчилик ҳужжатларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфларни амалиётдан келиб чиқиб таҳлил қиламиз. Бу борада давлат секторининг кўникмаларини яхшилашга инвестиция киритиш ҳамда манфаатдор тарафлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш зарур”.

**Бешинчи масала** — ҳуқуқий хизмат кўрсатиш.

“Бу йўналишда электрон суд жараёнлари, ишларни виртуал кўриб чиқиш,

жиноят процессида адвокатларни тайинлашнинг автоматлаштирилган тизими, адвокатларнинг масофадан малакасини ошириш, электрон нотариат ва электрон рақамли имзолардан фойдаланиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Яқин келажакда юрист касби ўзгариб боради. Трансформация кўпгина жараёнларни автоматлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлади, шунинг учун кадрларни оммавий қайта тайёрлашга тайёргарлик кўриш керак”.

**“Tashkent Law Spring” II Халқаро ҳуқуқий форуми доирасида жорий йилнинг 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Сингапур Ҳуқуқ вазирлиги билан Ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми, шунингдек, Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги билан 2021-2022 йилларга мўлжалланган икки томонлама ҳамкорлик дастурлари имзоланди.**

### ФОРУМ ДОИРАСИДА:

## ЎЗБЕКИСТОН, СИНГАПУР, ҚОЗОҒИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН АДЛИЯ ВАЗИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Сингапур Ҳуқуқ вазирлиги билан тузилган Меморандумнинг мақсади ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳуқуқ соҳасида икки томонлама ҳамкорликни рағбатлантириш учун институционал ҳамкорлик муносабатларига асос солишдир.

Мазкур Меморандум доирасида қонун устуворлигини тарғиб қилиш, юридик хизматлар кўрсатиш, халқаро тижорат низоларини ҳал қилиш бўйича хизматларни тарғиб қилиш, юридик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилади.

Озарбайжон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси адлия вазирликлари билан тузилган 2021-2022 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари икки томонлама идоралараро келишувларга асосланади (1997 йил 18 июндаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамда 1997 йил 2 июндаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар) ҳамда ушбу битимларни амалга оширишга қаратилган.

## ҚЎЛИМДА ҚҮЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ, ЕРДАН ЭСА ДАРАК ЙЎҚ

### ёҳуд туя гўшти еган қарор...

Нажот талаб мактуби

ЮРТИМИЗДА тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис мен ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшиш ниятида “Кучли тош” масъулияти чекланган жамияти очишга қарор қилдим.

2018 йилда яхши ниятлар билан корхонамизда текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида фабрика қурилиши учун Қуйи Чирчиқ туман ҳокимидан ер ажратишини сўраб мурожаат қилдим. Фабрика ишга тушгач, 500 та янги иш ўрни яратиш мумкинлиги тўғрисидаги лойиҳам мутахассислар томонидан обдон ўрганиб чиқилиб, 2018 йил 12 сентябрда туман ҳокимининг “Қуйи Чирчиқ тумани “Сурум” МФЙ “Навоий” массиви ҳудудида “Кучли тош” масъулияти чекланган жамиятига тикловчилик фабрикаси қурилиши учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 1780-сонли қарори қабул қилинди. Аммо бекорга қувонган эканман, қарорнинг ижросига келсак... у ҳамон қоғозда, амалда эса “отанга бор, онанга бор...”

Гарчи, мазкур қарор туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2018 йил 6 сентябрдаги 188-сонли дастлабки хулосаси, Қуйи Чирчиқ ТИФУКнинг маълумотномаси, ДСЭНМнинг хулосаси, ИИБ ЁХБнинг хати, Қуйи Чирчиқ туман-

лараро газ таъминоти участка бош муҳандисининг техник хулосаси, “Сувоқава” филиали раҳбарининг хулосаси, Тошкент вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Қуйи Чирчиқ туманига бириктирилган биринчи тоифали инспекторининг хулосаси, электр таъминоти корхонасининг техник хулосаси ва туман Коммунал хўжалиги ташиқлотларининг техник таклиф ва шартларига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ҳайъат аъзолари томонидан тузилган 2018 йил 11 сентябрдаги далолатномасига асосан чиқарилган бўлса-да, мана орадан икки ярим йил ўтган бўлса ҳам, ажратилган ерни ололмай овраман. Қуйи Чирчиқ туман ҳокимлигидан Тошкент вилояти ҳокимлигига, вилоят ҳокимлигидан еса, туман ҳокимлигига боринг, дейишдан нарига ўтмайпти.

Вилоят ҳокимига тўрт марта ариза билан мурожаат қилдим. Афсуски, ҳеч қандай жавоб йўқ. Икки ўртада сарсон-саргардонман. Қўлимда қарор, ердан эса дарак йўқ... Давлатимиз раҳбари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида бот-бот таъкидлаётган бир даврда, наҳотки, тадбиркорга нисбатан бундай бюрократик муносабатга чек қўядиган, адолатли қарор топтирадиган идора топилмас?!

**Дилноза КАРИМОВА,**  
“Кучли тош” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетасининг 2021 йил, 2 март сонида журналист Маруза Ҳосилованнинг “Сувнинг уволи бор, уволи борки, заволи бор...” мақоласини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Мақола муаллифи айна бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган сув муаммолари хусусида қуюниб ёзгани бежиз эмас. Шу мулоҳазалар сабаб обиҳаёт тўғрисида ўз фикрларимни билдириб ўтишни лозим топдим.

# СУВ — бебаҳо гавҳар

Табиатда ҳамма нарса бебаҳо, бироқ сув бутун табиат гўзаллигидир.

С.АКСАКОВ

Одамлар бир донадан сўрадилар:

— Қўлда қорингиз очиб, овқатталаб бўлсангиз, сизга биров бир бурда нон берса, эвазига нима берардингиз?

— Ярим мулкимни берар эдим. Донодан яна сўрадилар:

— Қўлда чанқаб, сувталаб бўлсангиз, сизга биров бир пийёла сув берса, эвазига нима берардингиз?

— Барча мулкимни берар эдим.

Шарқ ва Ғарб ҳақимлари сувни “халоват манбаи” ёки “саломатлик маликаси”га қиёс этганлар. Уларнинг айтишларича, сув баданини пок қилибгина қолмай, балки терининг “кўзи”ни очади. Сув таъсиридан бош миша хушёр тортади, чуқур нафас олади, юрак дадил уради, мушаклар таноби тортилади.

Афсуски, тоза ичимлик сувининг беҳуда исроф бўлаётганини ҳар қадамда учраб туришини кўп кўрганмиз ёки эшитганмиз. Негадир бунга жиддий эътибор ҳам бермаймиз ва “менга нима” қабилда иш тутамиз. Бироқ бу лоқайдликларимиз эртага қимматга тушишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Бугунги кунда жаҳон матбуоти чуқук сув муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётгани хусусида бонг урмоқда. Чуқук сув захиралари йилдан-йилга камайиб бораётгани, аҳолининг ичимлик сувига бўлган талаби кун сайин ошаётгани туфайли танқислик келиб чиқаётгани ҳақида ёзишмоқда. Хориж матбуотида таъкидланишича, бундай ҳолат юзага келишининг асосий сабаби, ер юзининг 71 фоизини дарё ва океан сувлари ишғол қилган бўлса-да, ундаги чуқук сув микдори атиги 2,5 фоизни ташкил этар экан.

Чуқук сувнинг 70 фоизи муз қопламаларида, 30 фоизи эса тупроқдаги нам ёки олиш қийин бўлган ерости қатламларида жойлашган. Ер юзиде мавжуд бўлган чуқук сув захираларининг бир фоизидан инсоният фойдаланиши мумкинлиги манбаларда қайд этилган.

Дарвоқе, тоза ичимлик суви ҳақида гап кетар экан, бу бебаҳо неъматдан оқилонга фойдаланиб, уни тежаш хусусида республикамиз матбуотида долзарб мақолалар чоп этилмаяпти. Радио-телевидение ҳам бефарқ қараб тургани йўқ. Бироқ бу чиқишлар назаримизда ҳали

етарлича эмасдай ёки унинг самараси беҳуда кетаётгандай туюлмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида айрим хонадон эгалари тарвузни совутиш мақсадида жўмрақни катта очиб қўйиб, тоза ичимлик сувини исроф қилаётгани ёки томорқасини сугоришда, ҳатто баъзи ҳайдовчилар машиналарни ювишда ҳам ичимлик сувларидан тартибсизларча фойдаланаётгани ҳақида ёзғиришди.

Албатта, хизмат тақозоси билан кўпгина корхона ва ташкилотларга кириб-чиқишимизга тўғри келади. Таажубки, ана шу муассасаларнинг ошхона ёки ювиниш хоналарига бирор юмуш билан ёки ҳожат юзасидан кириб қолгудек бўлсак, ажиб манзарага дуч келган ҳолларимиз кўп бўлган. Бино ичидеги қувурларга ўрнатиб қўйилган жўмрақларнинг носозлигидан иссиқ ёки совуқ сув беҳуда оқиб ётганини бир неча бор кузатганмиз.

Сув тақсимлагич идораларнинг мутасадди ходимларига ҳам жиндай эътирозимиз йўқ эмас. Ахир, улар суви беҳуда исроф бўлишига йўл қўётган давлат ташкилотлари ёки хусусий корхоналарнинг раҳбарларини ахшигина жаримага тортсалар мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Ёки сув ўлچагич асбобларини ўрнатиб қўйиш шунчалар қийинми?!

Шунингдек, ариқ сувларининг ифлосланишига йўл қўётганларга ҳам назорат органлари томонидан кескин чоралар қўриш керак. Бундай шахслар фақат маъмурий жавобгарликка тортилибгина қолмай, балки уларга жарима солинадиган бўлсин...

— Сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилишнинг энг яхши йўли марказлашган сув таъминотини ташкил қилишдан иборат. Очиқ сув ҳавзаларидан сув олинadиган жойни танлашда сувнинг ифлосланмаслиги, ҳавзага етарли микдорда сув тушиб туришини, унинг атрофи тўсилганини ва қирғоқнинг бузилмаслигини ҳисобга олиш керак, — дейди таниқли олим И. Ильинский.

Шаҳарларни-ку қўя турайлик. Қишлоқ ва овулларда ҳам сувларни тежаб-асрашга бўлган муносабат кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Табиийки, республикамиз аҳолисининг яримдан кўпроги қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шу боис, қишлоқ аҳолисининг аксарияти тоза ичимлик сувини олиш учун

ариқ ва чашмалардан фойдаланади. Агар кузатаётган бўлсангиз, тоғлардан қуйи томон оқиб тушаётган ариқ ва сойларнинг сувлари йилдан-йилга камайиб бораётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Эҳтимол, бу — тоғ ён бағрида ўсаётган дов-даракларнинг аёвсиз кесилаётгани сабаб табиатнинг аста-секин биздан ўч олаётгани эмасмикан? Мутахассисларимизнинг фикрича, одамзотни тоза, шаффоф оби ҳаёт билан таъминлашда тоғу адирларда ўсаётган даракларнинг-да аҳамияти беқиёс экан. Қаймигилар “Тоғда арчанг бўлса, сайилингда сув бўлади, дея бежиз таъкидлашмаган.

Ҳойнаҳой, тоғлардан жилдираб оқаётган чашмаларга кўзингиз тушгандир? Ниҳоятда зилот ва ширин, бир неча бор “фильтр”дан ўтиб, тошдан-тошга ўрилиб “пишган” бу шаффоф сувдан сипқорганмисиз? Агар кузатган бўлсангиз, арча ва бошқа дараклар кўп бўлган тоғ ёки адирдан энди тушаётган сойнинг чашмасида сув мўлроқ, даракт кам жойнинг чашмасида эса сув камроқ бўлади. Шундай экан, сардават ўрмонларимиз биологик сув тутғич вазифасини ҳам ўтабгина қолмай, ҳавонинг мўътадиллигини сақлашда ҳам асосий восита ҳисобланади. Ўрмонларнинг яна бир хусусияти сувнинг еростига ўтиб кетишини, парланишини бирмунча камайтиради. Катта-кичик сойлар ҳажминини ривожлантириб, сув манбаини меъёрида сақлашга хизмат қилади.

Оддий мисол. Илгари, антропо, бундан 30-50 йил аввал Китоб туманининг шарқий қисмидан бошланадиган, тоғ ён бағридаги юзлаб чашма ва ариқ сувларидан таркиб топган Қашқадарёси икки қирғоғини тўлдириб, ҳайқириб оққанича Амударёга қадар етиб борганига гувоҳ бўлганмиз. Дарё сувларидан нафақат Китоб тумани, балки Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамашидан тортиб Қарши туманидаги деҳқонлар ҳам керагича фойдаланишган. Бугунги кунда айрим чашмаларнинг кўзи беркилиб қолганиданми ёки бошқа сабабми бутун бошли вилоятнинг номи билан аталадиган бу дарёнинг сувлари анча камайиб кетган.

Бу ҳам етмагандек, ерости сувлари ҳам йилдан-йилга камайиб бораёпти. Назаримизда, бу ҳол артезиан қудуқлари орқали олинаётган сувлардан ҳам

самарасиз фойдаланиш оқибати бўлса керак.

Агар эътибор қаратган бўлсангиз, сув мўл бўлган жойларнинг иқлими ҳамиша мўътадил бўлган. Чунончи, сув ҳавзалари, ариқ ва сойлар ўтган ҳудудлар ҳамиша обод ва кўркем бўлишидан ташқари, экологик жиҳатдан ҳам софлигича қолади. Сувсиз жойлар эса... бўёги ўзингизга маълум. Шу боис, дам олиш оромгоҳлари, санаторийлар ва бошқа кўнгилочар иншоотлар ана шундай баҳаво, салқин ҳудудларда барпо этилади. Тоза ҳаводан баҳра олган организм анча тетиклашиб, фаоллиги янада ошиши барчамизга маълум.

Шунинг учун ҳам жаҳон оммавий ахборот воситалари экологик мувозанат йилдан-йилга ёмонлашиб бораётгани, бунга асосан ўзимиз сабабчи бўлаётганимиз хусусида қуюниб ёзаётгани бежиз эмас.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳар йили ер қъридан 100 миллиард тонна фойдали қазилмалар ва табиий газ, 2 миллиард тонна кўмир қазиб олинмоқда. Далаларга 92 миллион тонна маъданли ўғит ва 2 миллион тонна захарли химикат сепилаяпти. Атмосфера ҳавосига 200 миллион тонна углерод оксиди, 50 миллион тонна углеводород, 146 миллион тонна олтингурут диоксиди, 53 миллион тонна азот оксиди, 250 миллион тонна чанг чиқарилади. Сув ҳавзаларида 32 миллиард тонна куб метр тозаланмаган сув ташлаб юборилаётган бўлса, дунё океанларига ҳар йили 10 миллион тонна нефть оқиб тушади. Ҳар йили 6-7 миллион гектардаги тупроқ зироатчилик учун яроқсиз ҳолга келмоқда.

Сўнги маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми сув захиралари етишмаслиги сезилмайдиган ёки қисман сезилadиган мамлакатларда яшайди. 2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми юқоридеги муаммо билан тўқнаш келиши тахмин қилинмоқда. 1990 йилнинг ўрталаридан бошлаб дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайдиган 80 га яқин мамлакат сув тақчиллигидан азият чека бошлаган. Ер шарида истиқомат қиладиган 1,1 миллиард киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи

тоза сув олиш, 2,2 миллиард киши эса канализация тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу асосан Осиё ва Африка қитъасига тегишли муаммодир. Тоза ичимлик сувининг тақчиллиги ёки йўқлиги натижа-сида турли юқумли касалликлар ҳам айрим ҳудудларини четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатимиз географик жойлашувига кўра, иссиқ минтақалар сирасига қиради. Аҳолининг йил сайин ортиб бориши, саноатнинг кескин ўсиши, қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши сувга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Биз юқориде санаб ўтган рақамларни бежизга келтирмадик. Бундан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, етарли ҳулоса чиқаришимиз жоиз. Шунга ўхшаш муаммолар республикамизнинг ҳам айрим ҳудудларини четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатимиз географик жойлашувига кўра, иссиқ минтақалар сирасига қиради. Аҳолининг йил сайин ортиб бориши, саноатнинг кескин ўсиши, қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши сувга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ягона уммонимиз — Орол денгизи муаммоси ҳам барчамизни ташвишлантирмай қўймайди. 1992 йили Орол денгизи минтақаси БМТ томонидан “Экологик ҳалокат ҳудуди,” деб эълон қилингани бежиз эмас. Айни пайтда Орол денгизи муаммосини бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳолбуки, она табиатга бўлган ҳар қандай номутаносиб ҳатти-ҳаракатлар иқлим ўзгаришига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Бугунги кунда Президентимиз суви тежаш, ундан оқилонга фойдаланиш, экинларни томчилятиб сугориш зарурлигини бежиз таъкидлаётгани йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, тоза ичимлик сувини беҳуда нобуд қилаётган шахсларга нисбатан кескинроқ чоралар қўриш вақти аллақачон етган. Ахир, ҳар бир нарсанинг ҳам ҳисоб-китоби, чеки-чегараси бор. Истеъмолад сувлари ҳам битмас-туганмас ҳазина эмас. “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан”, деган нақл бежиз айтилмаган. Шу боис, Оллоҳ инъом этган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Азамат СУЮНОВ,  
журналист

# “TASHKENT LAW SPRING” II Халқаро юридик форуми

## Рақамли даврда СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ, АДОЛАТЛИЛИГИ ВА ХОЛИСЛИГИ қандай таъминланади?

“Tashkent Law Spring” II Халқаро юридик форумининг иккинчи куни доирасида “Рақамли даврда суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатлилиги ва холислигини таъминлаш” мавзусида суд корпусининг миллий ва хорижий вакиллари иштирокида мунозара сессияси бўлиб ўтди.

Яқин келажақда судлар фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилган мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Р.Махмудова бошқарди. Сессияда Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян, ЮНЕСКОнинг сўз эркинлиги ва журналистларнинг хавфсизлиги бўлими раҳбари Гильерме Канела де Соуза Годой, АҚШ округ суди бош судьяси Джон Р. Тунхейм, британиялик судья ва адвокат Сэр Стефен Ирвин, Словения Олий суди раиси Дамиан Флорянчич, Жаҳон банки гуруҳининг давлат сектори ва институционал ривожланиш бўйича мутахассиси Клара Лахуд Маганилар иштирок этди.

Тадбирда дастлаб сўз олган Диего Гарсия-Саян COVID-19 коронавирус пандемияси муносабати билан жорий этилган чекловлар даврида судлар иш жараёнига технологияларни жорий этиш орқали қонун устуворлиги ва одил судловга эришишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Қобилжон Комилов эса, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичи, хусусан, яқин йилларда амалга оширилган ислохотлар ва келажақдаги режалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, АҚШ округ суди бош судьяси Джон Р. Тунхейм ҳамда британиялик судья ва адвокат Сэр Стефен Ирвинларнинг суд ҳокимиятини рақамлаштириш бўйича АҚШ ва Буюк Британияда амалга оширилган ва олиб борилаётган амалга асосида, ЮНЕСКОнинг сўз эркинлиги ва журналистларнинг хавфсизлиги бўлими раҳбари Гильерме Канела де Соуза Годой ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг давлат сектори ва институционал ривожланиш бўйича мутахассиси Клара Лахуд Маганилар замонавий даврда судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар, Словения Олий суди раиси Дамиан Флорянчичнинг ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни ва ўзаро ҳурматни сақлаш орқали қонун устуворлигини барпо этиш муаммоси ҳақидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Сессияда ҳуқуқ соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва улардан нималарни ўрганиш мумкинлигига алоҳида урғу берилди. Айниқса, хорижлик спикерлар Уильям Томпсон, Алехандро Понсе ҳамда сиёсий иқтисодга оид изланишлари билан дунёга машҳур бўлган АҚШ миллий фанлар академияси аъзоси, энг нуфузли ўқув юртларидан бири Массачусетс технологиялар институти профессори Дарон Ажемоглуларнинг иштироки ва қимматли фикрлари барчага манзур бўлди.

Сиёсатни ва ислохотларни амалга ошириш ижро интизомига боғлиқлиги хорижлик мутахассислар томонидан ҳам таъкидланди.

Сессия якунида хорижий ва миллий экспертлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.



## ЭЛЕКТРОН НОТАРИАТ — қулайлик, ишонч ва шаффофлик калити

“Tashkent Law Spring” II Халқаро юридик форуми доирасида “Электрон нотариат — келажаққа нигоҳ” мавзусидаги давра суҳбати Адлия вазирлигида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси раиси Дилшод Ашуров модераторлигида ўтган давра суҳбатида бир қатор хорижий ҳамкорлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Хусусан, Германия нотариуслари Федерал палатасининг халқаро алоқалар бўйича бош вакили Ричард

Бок, Литва Нотариал палатаси президенти Мариус Страчкайтис, Украина Нотариал палатаси президенти Владимир Марченко, Россия Нотариал палатаси Президенти Константин Корсик ва бошқалар электрон нотариат истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритди.

Анжумандан кўзланган мақсад — электрон нотариатни такомиллаштириш орқали нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аҳолига янада қулайликлар яратишдан иборат бўлди.



# “TASHKENT LAW SPRING”

## II Халқаро юридик форуми

### ХАЛҚАРО ФОРУМДА “Ҳуқуқий ахборот: замонавий муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди

Ҳар бир мамлакат ҳуқуқий ахборот тарқатиш орқали аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда норма ижодкорлиги бўйича ўз тажрибасига эга.

Бугунги кунда давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, шунингдек, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда.

Давра суҳбатида “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази директори Фурқат Тожиев “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасидаги ислохотлар, шунингдек, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказининг янги вазифалари хусусида” мавзусидаги маърузаси билан қатнашди. Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий маълумотлар институтининг РФБ маълумотлар базаларини шакллантириш департаменти директори – Лилиана Цай “Қозоғистоннинг ҳуқуқий тизимлари: замонавий ҳақиқатлар”, Қирғизистон Адлия вазир-

лиги Адвокатлик ва ҳуқуқий тарғибот департаментининг етакчи мутахассиси Қутман Кубатбеков “Қирғизистоннинг ҳуқуқий тизимлари: замонавий тенденциялар”, Россия Федерацияси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий ахборот илмий маркази илмий-техник кенгаши раисининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор Михаил Сергин “Замонавий муаммолар ва уларни Россия Федерациясининг ҳуқуқий соҳасидаги рақамли трансформация йўли билан енгил”, Арманистон Адлия вазирлиги Қонунчиликни ривожлантириш ва ҳуқуқий тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари-эксперти Лилит Петросян “Ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳлар ишлаб чиқиш фаолияти”, Беларусь Республикаси Ҳуқуқий ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи Александр Браусов “Глобал рақамли трансформация даврида ҳуқуқий маълумотларга кириш: Беларусь Республикаси тажрибаси” мавзусида ҳамда Хитой Шимолий-Ғарбий институтининг халқаро ҳуқуқ профессоро Xiumei Wang ҳам ҳуқуқ соҳасини рақамлаштиришга оид мавзудаги маърузалари билан иштирок этди.



### ХАЛҚАРО ФОРУМДА “Сиёсатни амалга ошириш” (Policy implementation)

мавзуида мунозара сессияси бўлиб ўтди

Мунозара сессиясида Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти котибиятининг Евроосиё бўлими бошлиғи Уильям Томпсон “Сиёсатни амалга ошириш”ни қўллашда алоҳида мамлакатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил қилиш мавзусида маъруза ўқиди.

Уильям Томпсон маърузасида Марказий Осиёда бизнес учун ҳуқуқий муҳитни яхшилаш, ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, сиёсатни амалга оширишда муаммоларни ҳал қилиш ҳамда маҳаллий бизнес учун изчил ҳуқуқий муҳитни таъминлаш бўйича баъзи бир тамойиллар ҳақида тўхталиб ўтди.

Халқаро юристлар ассоциацияси бош котиби Клаудио Виско эса “Policy implementation”нинг аҳамияти ва уни амалга ошириш механизмлари мавзу-

сида фикр билдирди.

World Justice Project ташкилотининг бош илмий ходими Алехандро Понсе “Адолатга олиб борадиган йўллارни яратиш бўйича сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” мавзусида гапирди.

Кейл университети Шарқий Европа тадқиқотлари маркази раиси Александр Транк “Сиёсатни амалга ошириш” — Германия ва Европа иттифоқи ёндашувлари хусусида маъруза қилди.

Жаҳон банки давлат секторини бошқариш бўйича бош мутахассиси Валид Малик “Policy implementation”ни татбиқ қилиш бўйича халқаро тажрибалар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Шунингдек, форумда Массачусетс технологиялар институти профессори Дарон Ажемоглу қимматли фикрларини баён қилди.



**МЕҲНАТ қонунчилиги Меҳнат кодекси ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.**

## ИШ БЕРУВЧИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҒИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Меҳнат кодексининг 111-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги "Давлат бож тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси 1-бандига асосан даъвогар иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат этишда давлат бож тўловидан озод қилинади.

Даъвогар А.Н. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига асосан иш берувчининг ташаббуси билан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини, иш берувчининг буйруғи ғайриқонуний эканлиги сабаб аввалги ишга тикланиши сўраган.

Иш берувчининг 2021 йил 2 февралдаги 76-сонли буйруғида даъвогар А.Н. 2021 йил 27 январь кuni ишга спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда келганлиги, бу хатти-ҳаракати билан у ўз меҳнат вази-фасини қўпол равишда бузганлиги сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги кўрсатилган.

Кодекснинг 100-моддасида номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддатли туга-гунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шартлиги белгиланган.

Иш ҳолатларига кўра, даъвогар А.Н. 2021 йил 27 январь кuni ҳақиқатан ҳам ишга спиртли ичим-лик истеъмол қилган ҳолда келган. Бу ҳолат маст-лик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказганлик тўғрисидаги 62-сонли тиббий баённома хулосаси билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Иш берувчи корхона касабга уюшмаси қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги йиғилиши баёнига кўра, А.Н. билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик берилган.

Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, меҳнат шарт-номаси ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган ҳолат-лар, ходимнинг олдинги ҳулқ-атвори ва унинг ишга бўлган муносабатини ҳисобга олган ҳолда бекор қи-лингн, деган хулосага келди.

Бироқ Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 16-бандига коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомий-лар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномалари иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланиши кўрсатилган.

Оқориди Фармоннинг ушбу қисми давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 февралдаги Фармони билан бекор қилинган бўлса-да, иш берувчи А.Н. билан меҳнат шартномасини бекор қилган вақтда амалда бўлган.

Даъвогар томонидан ишга тақдим этилган ҳуж-жатларга кўра, даъвогарнинг 2016 йилда тузилган А.С., 2019 йилда тузилган А.Б. исми 14 ёшга тўлма-ган фарзандлари бор.

Суд бу ҳолатда иш берувчи ҳамда касабга уюшма-си даъвогар А.Н. билан меҳнат шартномасини бе-кор қилишда маъжур Фармон талабларини инобатга олмган, деб ҳисоблади. Иш берувчининг 2021 йил 2 февралдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 76-сонли буйруғи ғайриқонуний, деб то-пилди. Суд даъвогар А.Н.ни 2021 йил 2 февралдан бошлаб ўз ишга, аввалги вазифасига ишга тиклаш-ни ҳамда иш берувчидан ходимнинг мажбурий бекор қилинган кунлари учун тўланмай қолган иш ҳақларини ундириб беришни лозим топди.

**Баҳодир ДАВИДОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туман суди  
судья ёрдамчиси

# "Болаларимга КИТОБ БЕРМАЙМАН..."



БИР курсдош дугонам ўзи ўқи-мишли қиз бўлса-да, китоб, китоб-хонлик ҳақида гап кетса, фарзанд-ларимнинг кўлига ҳеч қачон китоб бермайман, дерди хўрсиниб баъзан. Унинг нега бундай дейишини билар-дим. Бу гапни биринчи бор унинг тилидан эшитиб қолган одам уни китобга меҳри йўқ қиз, деб уйлар, балки. Йўқ, ундай эмасди! У ҳақиқий китобхон эди! Китоб ўқимайдиганлар даврасида узоқ қололмасди сира. Унинг борлиги, бутун ҳаёти, ҳар бир кuni, кечалари ҳам китоб билан боғлиқ эди. Ёстигининг остида севимли китоби турадиган бу қизнинг нега бундай деганига балки сиз ҳам тушунмаётгандирсиз. У ўқиб ўқмай-диганлар, умуман ўқимайдиганлар орасида эркин нафас ололмасди. Шу ҳоло!

У ўзи ўқиган асар қахрамонла-рининг ҳаёти билан ҳақиқий ҳаётни таққослар, баъзан ҳаёт китобдан, баъзан китоб ҳаётдан устун келар-ди. У ҳаммамиз каби оддий яшамас-ди. Мутулаа завқи берган ҳаёлот оламида, ўзининг бегубор дунёсида яшар эди у! Шунинг учун ҳам, бояги гапни бемалол айта оларди, лекин оддийгина қилиб эмас, чуқур хўрсин-иқ қилиб, албатта.

Дарҳақиқат, китоб, китобхонлик масаласига бугун давлат сийсати даражасида қаралмоқда. Айниқса, ёшларни китобхонликка, мутулаани ҳис қилиш завқига ўргатиш бугун долзарб масалага айланмоқда. Са-баби, китоб ўқиб улғайган қалб юк-сак маънавийлиги шахс бўлиб тарбия топади. Мактабларга ёзувчи, шоир, ижодкорларнинг жалб қилинаётгани-да ҳам катта мақсад — энди улғайиб бораётган авлодни китобга, китоб-хонликка, адабиётга меҳр руҳида тарбиялаш орузи, болалиқдаги бегуборлиқни асраб, чин инсонни вояга етказиш истаги, асрлар оша зиёли аждодларимиз истаган комил инсонни тарбиялашдек эзгулик му-жассам, назаримда.

Ҳеч кузатанмисиз, китобга бе-гона қалб қуриган дарахтга ўхшай-ди. Унда ҳаётга муҳаббат муҳити чекланган бўлади. Китоб ўқимай-диганларнинг орзу-истаклари ҳам ўзига яраша бўлади. Қўпгина дав-латларда одамларнинг китобга му-носабати, меҳри бўлакча. Ироқдаги китоб дўконларида китоблар кечаси кўчада қолдириб кетилаверар экан. Ироқликларнинг ишончига кўра, китоб ўқийдиган киши ўғирликка қўл урмайди, ўғри эса китоб ўқимайди.

Ҳаёт қизиқ. Ҳар кuni ҳар хил воқеа-ҳодисалар ичидамиз. Бир қарасанг, бу бири кам дунё бозорга,

кимдир сотувчи-ю, кимдир хари-дорга, бу бозордан оламан, деб топганинг озорга ўхшайди. Шундай пайда баъзан ҳалиги дугонамнинг хўрсиниқли гапи ёдимга тушавера-ди. Шуларни ўйлаб, негадир китоб сотаётган аёл ҳақида ёзгим келди...

### КИТОБ СОТАЁТГАН АЁЛ

Аёл сўзининг ёнига фақат чи-ройли сўзларни ёзсак, ярашади. Аксинча бўлса-чи? Бу ҳақда ёзингиз ҳам келмайди, очиги.

Одатий кунларнинг бирида давлат идораларидан бирига иш билан кирдим. Раҳбар билан суҳбат кўнгилдагидек кечгач, суҳбат асно-сида қолган таассуротлардан ним табассум билан йўлакчадан эшик-ка томон кетаётсам, шундоққина пойгаддаги китоб растасига кўзим тушди. Завқландим, сабаби, уйдаги, ишхонадаги китобларим орасидан шу кунлардаги руҳиятимга мос бир китоб ахтарайтандим.

Вақтим бемалол бўлгани учунми, бугун кетар манзилимга шошил-майгина китоб танлайман, деб аҳд қилдим.

Сотувчи аёл эндигина ишга кел-ган экан, буни ҳали киши уст-боши-ни ечиб улгурмагандан билдим. Са-ломлашдик. Кўзларим яшнаб кетди. Шундоққина қаршимдаги китоблар орасида мен икки йилдан буюн из-лаб юрган бир китоб турарди. Тезроқ уни кўлимга олгим, ўзимники қилгим келди. Шу завқ билан китобга кўлим-ни узатар эканман, хали юз-кўзига қарашга ҳам улгурмаганим — сотув-чи аёл дабдурустдан қўпол гапириб кетди.

— Нима қилаяпсиз, ҳозир манави машина тушиб кетади...

Мен танлаган китоб столга уч қатор қилиб терилган китобларнинг биринчи қаторида, ўзимга яқинроқ томонда турганди. Терминал билан назорат-касса машиниси эса, учинчи қатордаги китоблар устида, сотувчи-га яқин жойда турарди.

Унинг қолган гаплари қўлогимга кирмади. Фақат бақир-чақирдан андакқина сергак тортиб қолдим. Бояги завқу шавқимдан асар ҳам қолмади. Бунақа муомалани бозор-даги пистафуруш ҳам қилмасди. Сабаби, кўп кузатанман, одатда, одамлар пистани ҳеч бўлмаса бир донга қақиб кўриб олишади. Китоб эса, албатта, бир варақлаб, танла-нади. Бу ёзилмаган қондаги сотув-чилар ҳам, харидорлар ҳам кўникиб кетишган. Яшин тезлигида бир ҳолат кўз ўнгимдан ўтди. Пойтахтимиздаги марказий универмагдан ўтиб, метро бекатига кетаверишдаги дарахтзор

оралаб боришда қанча-қанча китоб расталари бор. Сотувчиларининг кўпи русийзабон. Улар қалин-қалин жилдли китобларни ўқиб ўтиришади. Агар ярим соат китоб танласангиз ҳам, парво қилишмайди. Сизга китоб тавсия қилишади, жилмайиб қўйи-шади гап орасида.

Шулар ҳақида ўйлаб-ўйламай, ортага икки қадам босдим индамайги-на, таънали гаплар эса, тугай демас-ди. Эшиқдан кираверишда турган икки озойишталигимиз посбони бир менга, бир аёлга ҳайрон қараб қолишди. Нимадир қилишим керак, шунча гап-сўзни елкага ортиб айб-дордек бир алфозда индамайгина кетди бўлмасди.

— Опажон, бу китоблар сотилади-ми ўзи? — дедим базўр ўзимда куч топиб. Уша маҳал ичимга ютганим ғазабу нафратдан бутун вужудим, оёқ-қўлим титраб, юрагим ёниб кетаётган бўлса ҳам, ўзимни босиб, аёлининг гапларига парво қилмайги-на сўрадим.

Ахир, ахир... мен орзу қилган китобимни топганим-да!

Хуллас, жавоб кўнгилдагидек бўлди.

— Ҳа, сотилади!!! Шошмасангиз, қўполлик қилмасангиз, сотилади!!! — дўриллаган овоздан баттар бўғилиб кетиб, тезроқ бу ердан кетиш керак-лигини тушундим.

Ким қўпол ўзи, сира тушунмадим. Сабаби, ҳали китобни кўлимга олма-ган ҳам эдим. Ёнмачасига тахлан-ган китоблардан ўзим орзу қилган китобимга ҳали кўлим тегиб-тегма-гандим.

Ташқарида қор ёғаётгани учун шарфимни ўраб, қалпоқчамни бо-шимга бостирад эканман, ичкарида-ги ҳаво ташқаридагидан ўн чандон совуқлигини ҳис қилдим.

Бу орада ҳалиги аёл посбонлар-га эшиттириб атайин бақир-чақир қиларди.

— Опажон, сиз китоб сотаяпсиз, бозорда эмасиз-ку... — деганимни биламан...

Китоб сотаётган аёл эшиқдан ҳайдаб солмасин, деб кета қолдим. Кўрқдим, рости кўрқдим, нимадан кўрқардим... ўзим ҳам билмайман.

Бошқа гапга ҳожат йўқ эди бу ерда.

Бўралаб ёғаётган олоққоқ қор қоп-қора қалпоғимни оқартириб, мени қорқизга айлантириб қўйгун-ча, совуқ ҳавода сайр қилдим. Бир-пас ўзимга келдим. Сабаби, китоб сотаётган аёл китоб ўқимаслигини, ундан ранжиш эса, менинг ишим эмаслигини тушунгандим.

Гули ОЛИМОВА

### ЭЪЛОН

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси-нинг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2021 йил 14 апрелдаги буйруғига асосан "UNI LEGAL PRO" адвокатлик бюроси адвокати Мўминов Нодиржон Нуриддиновичнинг (лицензия рақами: ВН №000141, 16.08.2019, лицензия рақами: ВН №000151, 14.10.2019, адвокатлик гувоҳномаси №140, 14.10.2019 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокат-лик мақоми унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

# “ЭРКИНЛИКНИНГ БҮЮК ХАРТИЯСИ”

## 8 аср олдин қабул қилинган ҳужжат ҳақида нималарни биласиз?

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий қонунчиликнинг ривожланиш жараёнига, бу борада жаҳон мамлакатлари Конституцияси ва қонунларининг мазмун-моҳияти ва тадрижий ҳуқуқий тараққиётига назар ташласак, ҳар бир жаҳон инсон ҳуқуқлари устуворлигини, унинг энг олий қадриятлари билан инсоният ҳуқуқий цивилизацияси ривожини йўлида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўриш мумкин.

Масалан, ҳаммамиз футболнинг ватани, миллионлар йўлини кашф этилган жой Англия эканлигини тарихдан яхши биламиз. Бу мамлакатнинг ҳуқуқий ривожланиш тарихига қарайдиган бўлсак, у ўз даврида инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон давлатлари ҳуқуқий тизимлари учун асос бўлиб хизмат қилган 3 та муҳим ҳуқуқий ҳужжат қабул қилган қонунлар ташаббускори сифатида ҳам алоҳида ўрин тутганлигини айтишимиз лозим. Мисол учун, 1628 йилдаги Ҳуқуқлар петицияси ёки 1679 йилда қабул қилинган Хабеас корпус акт каби бевосита инсон ҳуқуқларига алоқадор муҳим ҳужжатлар ҳисобланади.

Бошқача айтганда, бугун инсон ҳуқуқлари оид янги авлод конституциялари ва қонунларида ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминли бундан минг йиллар аввал қабул қилинган тарихий ҳужжатларда белгиланган. Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тараққиётининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари тарихида бундай қонунларни ёки ҳужжатларни қўллаб келтириб ўтиш мумкин. Лекин инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик тарихида бугун инсоният

ҳуқуқларига дахлдор, бугун давлатлар қонунларида ўз ифодасини топан тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлар саноклидир. Масалан, Хабеас корпус актида қайд этилган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид нормалар давлатлар томонидан ханузгача ўз миллий қонунчилигига таъбиқ этилмоқда.

Шу маънода, ана шундай инсониятнинг дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор тарихий ҳужжатлардан бири бундан 806 йил муқаддам Англияда қабул қилинган “Эркинликнинг буюк хартияси” ҳисобланади.

Ҳўш, ушбу Хартиянинг инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик иерархиясида буюк тарихий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилишининг асл моҳияти ва сабабини қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? Хартия башарият онги ва тасавурида қандай либерализм ғояларини сингдиришга эришди? У суд орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги таъминлини амалга оширишда қандай ўрин тутган?

Аввало, шуни айтиш керакки, “Хартия” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “қўлдема ҳужжат” маъносини англатади. Эркинликларнинг буюк хартияси Англиянинг миллий давлатчилик тарихида биринчи конституциявий акт ҳисобланади, у 1215 йилда қабул қилинган. Хартия ўз ҳуқуқий табиати ва аҳамиятига кўра, бугунги кунда ҳам замонавий инглиз конституция-шунослик ҳуқуқининг бош ҳуқуқий манбаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Хартия муқаддима ва 63 та моддан ўз ичига олган бўлиб, унда жаҳият ва давлат сиёсий-ҳуқуқий ҳаётини ислоҳ қилишнинг кўйидаги устувор йўналишлари ва таъминлари белгиланган эди:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолати;
- черковларнинг ҳуқуқий мақоми;
- ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари;
- ҳуқуқий тизим ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш;
- киролик мансабдор шахсларининг жавобгарлиги;
- маъмурий ҳудудий бирликларнинг ҳуқуқий мақоми;
- солиқ ва мажбурий тўловларни ундириш тартиби;
- Хартия қондаларига риоя этилиши кафолати.

Бундан ташқари, Хартияда белгиланган нормаларни 3 та асосий гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин. Биринчи гуруҳ аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, иккинчи гуруҳ жаҳият ва давлат бошқарувини ҳамда учинчи гуруҳ эса суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

Энди бевосита Хартиянинг суд-ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу борада ушбу ҳужжатнинг 39-моддасида мустақамланган нормалар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Сабаби, барчамиз Хабеас корпус акт ҳақида сўз юритганда қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилиши ёки ҳеч қим суднинг ҳукми бўлмай туриб айбдор, деб топилши мумкин эмаслиги ҳақидаги норма, яъни айбсизлик презумпцияси принципини тилга оламиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, айбсизлик презумпцияси ёки судлар томонидан қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқи билан боғлиқ норма илк бор Хабеас корпус актида эмас, балки “Эркинликнинг буюк хартияси” да кўзда тутилган эди. Жумладан, маъмур ҳужжатнинг 39-мод-

дасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи шундай норма билан кафолатланган:

“Ҳеч қим суд муҳокамасиз ва қарорсиз, қонунга асосланмаган ҳолда айбдор, деб топилши, қамқоқ олиниши ёки озодликдан маҳрум қилиниши, мулк ҳуқуқи чекланиши, мол-мулк мусодара қилиниши ҳамда мамлакатдан мажбурий тартибда чиқариб юборилиши мумкин эмас”.

Мазкур норма билан фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси, мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва бир жойдан иккинчи жойга эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Хартиянинг 19-моддасида низолаштириб кўриб чиқишда судловга тегишлилик қондалари белгиланган. Ушбу моддага кўра, мулк ҳуқуқи бузилганлиги билан боғлиқ даъволар низо келиб чиққан жойда кўрилиши ҳамда судьялар суд муҳокамасини белгиланган жадвал асосида жойига бориб сайёр тарзда ўтказиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Хартиянинг 38-моддасидаги нормалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга, яъни ушбу моддага мувофиқ ҳеч бир фуқаро гувоҳларнинг кўрғазмасиз ёки бошқа далиллар бўлмаган ҳолатда ўзга шахснинг озғани муражаатига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган.

Энг муҳими, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини одил судлов асосида ҳимоя қилишга оид ушбу нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактлар каби бир қатор халқаро ва минтақавий ҳужжатларда, давлатларнинг миллий қонунчилигида мустақамланган.

Умуман айтганда, Хартия ўз даврида давлат органлари, суд ҳокимияти фаолиятини ташкил этиш, одил судлов йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш, шахс, жаҳият, давлат муносабатларида қонун устуворлигига эришиш ҳамда ҳокимиятлар ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш таъминлини ва нормаларини ўзида ифода этган конституциявий ҳужжат эди.

Шу боис ҳам 2009 йилда Юнесконинг қарори билан “Эркинликнинг буюк хартияси” Дунё хотираси китобига киритилган.

Шундай қилиб, бир сўз билан айтганда, Хартияни буюк тарихий-ҳуқуқий ҳужжат эканлигининг туб моҳияти ва сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- биринчидан, Эркинликнинг буюк хартияси табиий ҳуқуқ назариясида илгари сурилган фуқароларнинг фундаментал шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва эркинлигини конституциявий даражада умумэтироф этган дастлабки ҳужжатлардан бири ҳисобланади;
- иккинчидан, Хартияда илк бор айбсизлик презумпцияси принципи мустақамланди;
- учинчидан, фуқароларнинг озодлигини чеклаш ёки мулк ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва мол-мулкни давлат фойдасига ундириш фақат ва фақат суднинг қарорига кўра қонунга асосан йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланди;
- тўртинчидан, Хартия ҳеч қим етарли далиллар ва асоссиз жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақида норма орқали шахс дахлсизлиги ҳуқуқини кафолатлади.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**  
 Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, юридик фанлар номзоди

## УСТОЗ-ШОГИРДЛИК МАҚОМИ ЎРНИДА БЎЛСА...

### “Гапни гапир уққанга” мақоласини ўқиб

Акс-садо

“Инсон ва қонун” газетасининг 2021 йил 2 март сониди Каттакўрғон туманидаги 66-умумтаълим мактабидаги баъзи жузъий камчиликлар, жамоадаги ўзибўларчиликлар ҳақида “Гапни гапир уққанга” номли танқидий мақола эълон қилинган эди.

Газетада ёрилган мазму ўзини ўқитувчи деб санаган ҳар бир муаллимни бефарқ қолдирмагани аниқ. Яқинда мактабимизда ушбу танқидий мақоланинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Кўтарилган мазму ўринли. Мактабда қатор йиллардан буюн бирорта битирувчи олий ўқув юртига ўқишга қирмаган. Замон ўзгарди, энди эскича яшаб, эскича ишлаб бўлмайди. Бугун фидоқорлик, изланиш, фанларни пухта ўзлаштириш ўқитувчи-ю, ўқувчидан катта масъулият талаб қилади.

Бошқача айтганда, бугуннинг ўқитувчисини уста дехқон ёки боғбонга таққослаш мумкин. Бугуннинг ёшлари ҳам талабчан, билимга тиришқоқ. Ўқитувчи бўлиш нафақат билим, фидоийликни ҳам талаб қилади. Ўзидан ўзидан шоғирт тарбиялай олмаган устоз — устоз эмас!

Мактабимизда 970 нафар ўқувчи таълим олади, уларга 70 нафар ўқитувчи дарс беради. Шу йил 71 нафар ўқувчимиз битирувчи бўлади. Уларнинг 50 нафари устоз-шоғирдлик асосида олий ўқув юртига жиддий тайёрланмоқда. 9, 10, 11-синф ўқувчиларидан тест олинди, ўқув жараёнида мониторинг қилиниб, ота-оналар ҳам фарзандларининг билимларини кузатиб боришга жалб қилинмоқда. Ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни

қомилликка йўналтириш бевосита ўқитувчининг билими, салоҳияти, ўз касбига бўлган меҳрига боғлиқ. Мактабимизда бир таърибани йўлга қўйганмиз. Ҳар ойда бир мартаба ўқитувчилардан диктант олинади. Ҳар ой якунида фанлар бўйича устозлар беллашуви ўтказилади. Натияжада ўқитувчиларимизнинг масъулияти ошмоқда. Улар замон талаби асосида ишлашга ўрганди. Таълим тизимига алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Мактабда миллилатнинг келажаги улғаяди, қамол топади. Кейинги йилларда муаллимлар учун бир қатор шароитлар, имтиёзлар яратилмоқда. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари босқичма-босқич ошиб бормоқда.

Устоз-шоғирдликнинг азалдан ёзилмаган қондалари бор. Ўқитиш икки марта ўқини-

ни талаб этадиган жараён бўлса, берилган сабоқни ўз вақтида, уқув билан ўзлаштириб билиш ҳам катта масъулият. Таълимда мактабдаги муҳитнинг ўрни катта. Ўқитувчи ўз ишини қилса, ўқувчи ёшлар ҳам уйғоқ қалб билан муаллимни тинглай, англай билиши керак. Ҳаракат бир томондан бўлса, натижа бесамавр бўлади. Мақолада кўрсатилган камчиликлар биргина шу мактабда бор, дейиш ноўрин. Газетада ёрилган бу долзарб танқиддан фақат таълим тизимини ҳодимлари эмас, ёш авлод ҳам ҳулоса чиқарса ёмон бўлмасди.

**Эътибор Дониёрова,**  
 Каттакўрғон туманидаги 40-мактаб директори

**Инсон ва ҚОНУН**  
 МУАССИС:  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 “Адолат” миллий ҳуқуқий  
 ахборот маркази нашри  
 info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
 Ўзбекистон  
 Матбуот ва ахборот  
 агентлигида  
 0081-рақам билан  
 рўйхатга олинган  
 ISSN 2020-7487  
 9772030748008

**Бош муҳаррир**  
 Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
 Тошқуллов Акбар Жўрабоевич  
 Рабиев Шеразд Миржалилович  
 Тожиев Фурад Шомуродович  
 Искандаров Ербек Нурбекович  
 Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлхатлар таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
**Навбатчи**  
 Хуршид Султонов  
**Саҳифаловчи-дизайнер**  
 Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**  
 “ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюмда чоп этилди.  
**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ў.  
 Тиражи — 4220  
 Бюртма — V-4648  
 Топшириш вақти — 19:00  
 Топширилди — 22:20

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100 115, Тошкент ш.  
 Чилонзор кўчаси-29.  
 Факс: (0371) 277-02-97  
 Обуна бўлими: 277-02-57  
 Баҳоси келишилган нарда  
 1 2 3 4 5

# ХОРИЖЛИК ТАДБИРКОРЛАРДАН ҚАЕРИМИЗ КАМ?



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Самарқандга таширифи чоғида вилоятнинг бир гуруҳ тадбиркорлари олиб бораётган ишлар билан танишди. Уларнинг хориж бозорларига ҳам одадил кириб бораётганларидан хурсандлигини айтиб, кўплаб тадбиркорларнинг ишларини, режаларини маъқуллади.**

**К**ўна Самарқанднинг ишбилармон тадбиркорлари юртимизда олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Самарқанд шаҳрида яшовчи Ақобир Ҳамраев элнинг мард йигитларидан. У яхши ниятлар билан вилоятнинг узоқ туманида хусусий корхона очиб, қишлоқда истиқомат қилувчи 140 кишига янги иш ўрни яратди.

Яқинда хизмат сафари билан Иштихон тумани марказидан қарийб 80 километр узоқликда бўлган дашт худудидаги "Қайирма" фуқаролар йиғинига боришимга тўғри келди. Маҳалла оқсоқоли Қосим Аннакулов билан учрашиб бугунги ислохотлар, ўзгаришлар борасида суҳбатлаша туриб, оқсоқолдан худуднинг энг чекка "Чорлоқ" қишлоғида шаҳарлик тадбиркор яхши бир иш бошлаганини эшитдим. Тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан Иштихон, Қўшрабат, Каттақўрғон, Пайариқ туман деҳқонлари етиштирилган полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ҳамда ушбу маҳсулот билан савдо-сотiq қилиш учун 200 ўринга мўлжалланган бозор қураётгани, айни кунларда бозор иш бошлашга тайёрлигини айтиб қолди.

— Тадбиркор Ақобир Ҳамраев туман марказидан анча олис бўлган "Чорлоқ" қишлоғида яхши бир лойиҳа бошлади. У

хориждан полиз маҳсулотларини, масалан, майизни саралаш, қадоқлашга мўлжалланган ускуна олиб келиб, шу ернинг ўзида ушбу қимматбаҳо маҳсулотни қайта ишлаб, қадоқлаб, хорижга экспорт қилиш учун цех қура бошлади, — дейди Иштихон тумани ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Алишер Қамаров. — Ҳар йили биргина бизнинг туманимизда қарийб 15 минг тонна майиз етиштирилади. Алам қиладигани — тайёр маҳсулотни хорижликлар сув текинга олиб кетишади. Биргина Иштихонда эмас, бизга кўшни бўлган Пайариқ, Каттақўрғон, Қўшрабат туманларида етиштирилаётган майизни ҳам улар олишарди. Тадбиркорнинг ташаббусини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. "Asian Raising Logistic Centre" масъулияти чекланган жамияти тузилиб, унинг негизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиш, саралаш, қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи янги тармоқ иш бошламоқда. Натижада ҳар йили туман бюджетига 12,6 миллиард сўм фойда тушади. "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари"даги 140 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланади.

— Президентимиз тадбиркорларга қулай шароит, катта имкониятлар яратиб бераёпти, — дейди тадбиркор Ақобир Ҳамраев. — Шундай экан, нега биз Юртбошимизнинг ишончини оқламастлигимиз керак. Хорижлик тадбиркорлардан қаеримиз кам? Илгари тадбиркорларнинг қўл-оёғи боғлиқ эди. Хорижликлар билан ҳамкорликда бемалол ишлаш у ёқда турсин, ички саноатни ривожлантиришда ҳам бир қатор тўсиқ, чекловлар бор эди. Авваллари чет эллик сармоядорлар етиштирилган полиз маҳсулотларимизни арзон нархда сотиб олишарди. Бошқача айтганда, оғзимиздаги ошни олдириб қўярдиқ. "Ҳолвани ҳоким ейди, таёқни етим ейди", деган гап бор халқимизда. Деҳқонларимиз етиштирилган сара маҳсулотларнинг фойдасини сармоядорлар кўришарди. Биласиз, вилоятимизнинг Иштихон, Пайариқ, Каттақўрғон, Қўшрабат туманларида қимматбаҳо қора кишимш майизи етиштирилади. Авваллари биз хорижликларга майизни сариқ чақага сотардиқ. Ана шундай ноёб маҳсулотларни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ускунаси республикамизда бармоқ билан санарли даражада кам эди. Имконият йўллари очилиб, озуларимизга эришдим. Яқинда чет элдан ана шу ускуна олиб келдим. Йўл-йўригини ўрганиб, ўрна-

тишни бошладик. Насиб этса, шу йилнинг август ойида йилига минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга цехимиз қурилиши якунига етади. Тайёр қадоқланган маҳсулотни хорижга экспорт қилишни бошлаймиз. Қачонгача ўзбек деҳқонининг бағрига офтоб тегмайди, деб кўп уйлаганман. Энди замон ўзгарди. Биз — ёшлар яратилган имкониятлардан ўрнида фойдаланиб, миллий "ўзбек бренди"ни хорижга олиб чиқиб, дунё бозорига муносиб ўрин эгаллашимиз керак.

— Ақобирнинг отасига раҳмат, қоқ шаҳар марказидан келиб, бизнинг узоқ қишлоқда бозор, катта бир корхона қураёпти, барака топсин, — дейди "Қайирма" қишлоғининг нуруний отахони Боймуҳаммад Ҳўжамов. — Қишлоғимизда бирорта ишлаб чиқариш корхонаси йўқ эди. Аёлларимиз, қизларимиз ишсиз эди. Ақобирнинг ҳиммати билан қишлоғимиз аёллари ҳам ишли бўлиб қолишди.

Самарқанд шаҳрининг "Сузангарон" маҳалласида туғилган Ақобир Ҳамраев ишонинг кўзини биладиган тадбиркорлардан. У тадбиркорликнинг ҳадисини олган, хорижликларнинг тилини топиб, улар билан ҳамкорликда анча йиллардан бери ишлайди. Дадиллигини қаранг, вилоятнинг энг чекка қишлоғига бориб, логистика марказини ташкил қи-

лаётган экан. Бу жонбозлик ҳар кимнинг ҳам кўлидан келмайди.

Ақобир бошлаган иш хайрли, у лойиҳа қиймати 1,2 миллион АҚШ доллари бўлган логистика марказини кредит олмай, ўз сармояси ҳисобидан қурмоқда. Янги ташкил этилган "Asian Raising Logistic Centre" логистика маркази йилига минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Экспортга 600 тонна, ички бозорга 400 тонна маҳсулот етказиб берилади. Ақобир Ҳамраев бошлиқ логистика маркази Хитой, Туркия, Россия, Эрон, Канада, Афғонистон, Қозоғистон, Туркменистон мамлакатларига ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қила бошлайди.

Мақолаимиз қахрамони Ақобир Ҳамраев 35 ёшда. Мамлакатимизда Ақобирдек қатъиятли тадбиркорлар кўп. Улар ёш бўлишига қарамай, ўз фикрига, ўзининг аниқ мақсадига эга. Уларнинг интилишлари сабаб ўзбек бренди хориж бозорига дадил кириб бормоқда. Ватанпарварлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган, юрт гамида яшаётган ёшларимиз кўп. Улар бор экан, Ўзбекистоннинг бугуни гўзал, келажаги порлоқдир. Бунга эса, Ақобир Ҳамраевдек тадбиркорларнинг саяҳатлари ёрқин мисол бўла олади.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири

## Огоҳ бўлинг!

## Бемордан ҳам НОЧОРМИДИНГ?

**ёхуд хаста одамнинг  
ҳамёнига кўз олайтирган  
кимса қилмиши...**



АНВАР ақанинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) бетобланиб ётиб қолганига анча вақт бўлганди. Жондорнинг чекка бир қишлоғида истиқомат қилаётган оилага яқин атрофдаги таниш-билиш, қариндош-уруғлар, айниқса, шифокорлар бажонидил ёрдам қўлини чўзиб, беморнинг тезроқ оёққа туриб кетиши учун кўп ҳаракат қилишди. Афсуски, беморнинг аҳволи кун сайин ёмонлашиб борарди. Зилола дадасини бундай ночор аҳволдан қутқариш илминда кўли очик, саховатли инсонлар кўмағига ишониб, хайрига йўли билан кўнгилли фуқаролардан пул йиғиб олишни ният қилди.

Зилола дунёда яхшилар кўплигига ишониб, "Mikrocreditbank"нинг Жондор филиали томонидан расмийлаштирилган "Нито" пластик картасини "CLICK" тўлов тизимига улади.

Уша кундан бошлаб, хусусий телеканаллару ижтимоий тармоқлардаги эълонлар тармоғида хайрия картаси ҳисобига беморни Ҳиндистонда давлатиш учун кўнгилли, савобталаб инсонлардан оз-оздан маблағ туша бошлади.

Бу хайрия тадбиридан хабар топган Азиз Рустамовнинг хаёли бузилди. Тез орада мўмай даромад орттиришини ўйлаб, эълон қилинаётган маълумотлар асосида "CLICK" тўлов тизимига кириб, хайрия марафонига қўшилди. Арзиманган 5 минг сўмлик эҳсони билан Зилоланинг ишончига кирди. Иккинчи мартаба кўпроқ пул ўтказиши мумкинлигини

айтиб, Зилоладан хайрия банк имконини берадиган рақамларни билиб олди. Дастлаб 500 сўм, кейин минг сўмдан бошланган сохта эҳсоннинг охири ўғирлик билан туғди.

Фаргона вилоятининг Бувайда туманида, Бухородан салкам минг километр олисда яшайдиган ўзбек йигити юзсизларча кўра-била туриб, бир ночор беморнинг даво муолажалари учун миқсқолаб йиғилаётган хайрия пулларига кўз тикди.

Ҳаётининг энг навқирон даврида 1 миллион 500 минг сўм пулни бировни алдаш йўли билан нақдлаштириб олиб, ўғирликнинг қинғир кўчасига кириб қолди. Бугун у тенги йигитлар ўз билимини хайрли ишларга йўналтириб, янги ихтиролари билан фойдали дастурлар устида ишламоқда. Азиз эса, 20 ёши-

да жиноятчи, деган ном билан ўз шаънига доғ туширди.

Энг ачинарлиси, бу жиноят изи очилиб, суриштирув ишлари олиб борилаётган бир пайтда, бемор Аллоҳга омонатини топширди. Яхшилар марҳумнинг ҳақида дуо қилаётган бир пайтда Азизнинг қафтлари пешонасига қаттиқ урилди. Энди у қилмишидан изтироб чекиб, дардини ичига ютади. Бир ночор беморга етказган озори учун жабрдайда марҳумдан кеչирим сўрашга улгурмай қолганидан афсусланади, аммо... Азиз қонун олдига жавоб бераётганида виждон азоби ҳам уйғонар, лекин ундан оғирроқ жазо биронинг ҳақи нима эканлигини англаганда бошланади.

**Жаҳонгир ОЧИЛОВ,**  
Бухоро вилояти Жондор туман ИИБ ТЭҚҚГ тезкор вакили, капитан